

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми

Директори  К.Аннакулов

17 октябрь 2022 йил



Техникум ҳудудида газон экиладиган жойни эскисини бузиб текистлаш томчилатиб суғориш тизимини яратиш соз тупроқ (сарик) тўшаш ва экиш уруғи голандияники бўлиши бир йиллик суғориш ўриш хизмати. Барча бажариладиган ишлар учун сарфланадиган эҳтиёт қисмлар ва маҳсулотлар бажарувчи ҳисобидан.

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми

ТОШКЕНТ – 2022 йил

# 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

## 1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Номи	миқдори
1.	Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми	Техникум ҳудудида газон экиладиган жойни эскисини бузиб текистлаш томчилатиб суғориш тизимини яратиш соз тупроқ (сарик) тўшаш ва экиш уруғи голандияники бўлиши бир йиллик суғориш ўриш хизмати. Барча бажариладиган ишлар учун сарфланадиган эҳтиёт қисмлар ва маҳсулотлар бажарувчи хисобидан.

1.2. Танлов қиймати 112 000 000 (бир юз ўн икки миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 8 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади

1.6. Нархни ўн беш фоиздан кам миқдорда берилганлари қабул қилинмайди.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми (бундан кейин <<Буюртмачи>> деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

<<Буюртмачи>>манзили Янгиҳаёт тумани қанора кўчаси 44-уй

2.2. Танлов <<Буюртмачи>>томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов <<Буюртмачи>> томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга булган барча юридик мақомга эга ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк

кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектига ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётгани ҳажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билар боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўнинишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар маълумотлар <<Буюртмачи>> ва <<Иштирокчи>> ихтиёрига кўра ўзбек тили тилида тақдим этилиши керак.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагиларни тақдим этилиши лозим.

Техник қисим <<Буюртмачи>> томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нарх қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- фақат битта таклиф бериши мумкин

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилиши ҳақли Товари (ишни хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юбориш ҳақли. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.